




ТОШКЕНТ ОЖШОМИ



ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 12 (9.662) 2002 йил 28 январь, душанба Сотувда эркин нархда



Мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёт йўли, давлат ва жамият ҳаётидаги ислохотлар янада жадаллашувининг муҳим омил бўлган икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат мuddатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга бағишланган референдум юртимизда юксак ушшоқлик билан ўтди. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирнинг барча демократик тамойилларга мос, эркин овоз бериш йўли билан ўтгани мамлакатимизда демократия тобора мустахкамланиб бораётганининг яна бир намойиши бўлди.

27 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов барча ватандошларимиз каби референдумда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги 648-референдум участкасида овоз берди.

Шу ернинг ўзида Ислам Каримов маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан интервьюсида бундай муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлар ҳар қандай давлат ва жамиятни демократлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.



СУРАТЛАРДА: пойтахтимиз референдум участкаларида.

Миллий матбуот марказида янги «Орият-FM» халқаро каналининг очилишига бағишланиб оммавий ахборот вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ку...

ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ КЎРИНИШИ

Мизда амалий натижаларини топиши сиёсий ҳаётимизни янада эркинлаштириш йўлида салмоқли қадам бўлади. Бу тадбир давлатни бошқариш, сиёсий тизимни такомиллаштиришда муҳим омилдир.

Референдум қонунчилик тизимининг ўзгаришига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Аввало, янги қонунлар қабул қилиш, қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилади, парламентнинг роли ва ваколатлари кучаяди.

Президентимиз юқори палатанинг мамлакат учун катта аҳамиятга эга эканига эътибор қаратади.

Биз тузоқчи бўлаётган юқори палата ўз зиммасига анча-мунча ваколатларни олади, — деди давлатимиз раҳбари.

Бугун мамлакатимизда ўтаётган мазкур тадбирнинг ўзи демократиянинг бир кўринишидир.

Ислам Каримов референдумнинг ижобий натижалари мамлакатимиз сиёсий ҳаётини тубдан ўзгартиришини таъкидлади ва журналистларни қизиқтирган бошқа кўпгина саволларга жавоб қайтарди.



СУРАТЛАРДА: пойтахтимиз референдум участкаларида. Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА), Сергей Любич ва Тохир Нигматуллин олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида

Давлат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш, кекса авлод манфаатларининг ҳимоя қилиниши таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб воқога етиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Иш стажининг тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган миқдоридан ортиқ қисмини ҳисоблаб чиқишдаги мавжуд қеклашлар 2002 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин.

2. Бола икки ёшга тўлгунча қадар уни парвариш қилиш бўйича оналарга бериладиган ойлик нафақалар миқдори 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб энг кам иш ҳақининг 170 фоизи, 2003 йилнинг январидан бошлаб эса 200 фоизи миқдорида белгилансин.

3. 16 ёшгача болалари бўлган нафақа олувчи оилалар тоифаси кенгайтирилиб, умумтаълим мактабларида, академик лицей ва кабс-хунар коллежларида ўқийдиган 18 ёшгача болалари бўлган муҳтож оилалар ҳам шу тоифага қўшимча равишда киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1383-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddат ичида ушбу Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2002 йил 25 январь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Олий Мажлиснинг 2001 йил 6 декабрдаги 306-11-сон қароридан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида» 2002 йил 25 январдаги ПФ-3017-сон Фармонида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга мансуб бошланғич синфларнинг ўқувчилари билан бир қаторда, шунингдек юқори синфларнинг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилари ҳам бепул қўшим-бош тўплами билан таъминланади.

ҚИСҚА САТЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Ку...

ТАДБИРКОРЛИК

Маҳаллий хом ашёдан

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган ўрта ва кичик бизнес субъектлари орасида «Потонсервис» кичик ишлаб чиқариш корхонасининг ўзига хос ўрни бор.

ИЗЛАНИШЛАР

Янги технологиялар асосида

Ўзбекистонда аҳолини дори-дармон билан таъминлашда «Ўзфармасаноат» давлат-ҳиссадорлик концерни салмоқли улуш қўшиб келмоқда.

Дилноза ФИБОВА

Ақбар АЛИЕВ

Ақбар АЛИЕВ

